


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)*  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## **СЎЗ БОШИ**

### **1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети.

- Тошкент шаҳар ҳокимияти Иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бош бошқармаси;

### **2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### **3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабларини Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

T/p		бет
1.	<i>5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи .....</i>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2.	<i>5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи</i>	4
2.	<i>5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</i>	7
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	7
2.2.	<i>5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....</i>	8
3.	<i>5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....</i>	10
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	11
3.2.	<i>5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ...</i>	13

## **1. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи**

**5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўкув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади.

Ўкув режа ва фан дастурида кўзда тутилган ўкув шакли, меъёрий муддати ва унга мувофиқ мос малака даражаси 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### **Ўкув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даражаси)**

Ўкув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даражаси)	Ўкув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриат таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурлари	Бакалавр	4 йил

#### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўкув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўкув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютукларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўкув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўкув ҳамда тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни тъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

**1.2.1. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

**5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** бакалавриат таълим йўналиши – фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги йўналиш бўлиб, қуидагилардан иборат: турли мулк шаклларига тегишли, турли тармоқ, соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва сугурта муассасалари, давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари, академик ва тармоқ, илмий тадқиқот ташкилотлари, таълим муассасаларининг иқтисодий, молия, маркетинг, ишлаб чиқариш – иқтисодий ва таҳлил хизматларини ўз ичига олади, тармоқлар ва соҳалар бўйича – тармоқлари ва корхоналарини ривожлантиришга, истиқболини белгилашга, касбий кўникмасига, мутасаддиллик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишишининг малака талаблари ва ўқув режсаларни ишлаб чиқшида ҳисобга олиншии назарда тутилади.*

#### **1.2.2. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:**

- хўжалик юритувчи субъектлар;
- ҳаракатдаги бозорлар, молия ва ахборот оқимлари;
- таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёни (педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг);
- иқтисодиётнинг тармоқлар ва соҳалар бўйича, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мажмуалари, ассоциациялар, корпорациялар, концернлар, холдинг, ишлаб чиқариш бирлашмалари;
- фирма ва компаниялар, шунингдек, турли мулк шаклидаги корхоналарни бошқариш, илмий тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат органларида иқтисодий фаолияти;
- ишлаб чиқариш жараёнлари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият обьектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишиларининг малака талаблари ва ўқув режсаларини ишлаб чиқшида ҳисобга олиншии назарда тутилади.*

#### **5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуидагиларни қамраб олади:**

##### **Иқтисодий ҳисоб-китоб фаолияти:**

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини белгиловчи иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тайёрлаш;
- ҳаражатдаги меъёрий-ҳуқуқий базада келтирилган андозали услуб асосида иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китобини олиб бориши;
- турли мулк шаклларига тегишли тармоқ, соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари дастурларининг (бизнес-режса) иқтисодий бўлимларни ишлаб чиқши.

##### **Таҳлилий, илмий тадқиқот фаолияти:**

- аниқ иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириши учун зарур бўлган вазифалар бўйича ахборот маълумотларини излаш, тўплаш ва таҳлил қилиши;
- иқтисодий маълумотлар тўпламини қўйилган топширикча асосан қайта ишлай, таҳлил қилиши, баҳолаши, олинган натижаларни қиёсласи ва асосланган хуносаларга келиши;

- мутахассислик фаолияти соҳасига тегишили тадқиқ этилаётган жараёнлар, ҳодисалар ҳамда объектларни стандарт назарий ва эконометрик моделларни тузиш, таҳлил қилиши ва олинган натижаларни қиёслаш;
- Ўзбекистондаги ҳамда хориждаги мирко ва макродаражада содир бўладиган, ижтимоий-иктисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиши ва қиёслаш;
- таҳминий ҳисоботлар ва ахборотлар шарҳини тайёрлаш;
- статистик кузатишлар, сўровлар, анкета сўровлари ва уларнинг бирламчи натижаларини қайта ишилаш;
- мутахассислик фаолияти соҳасидаги лойиҳа ечимларини ишилаб чиқшида иштирок этиши, ишилаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни ҳаётга татбиқ этиши бўйича таклифлар ва чора-тадбирларни тайёрлаш;

#### **Ташкилий-бошқарув фаолияти:**

- қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иктисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлари варианtlарини ишилаб чиқаршида ҳамда танлаб олишини асослашда иштирок этиши;
- топширилган ишининг позоналари бајсарилишини ташкил этиши;
- аниқ иктисодий лойиҳани бајсарии учун ташкил этилган жамоа ва гуруҳларни тезкор равишда бошқарии;
- турли мулк шаклларига тегишили, турли тармоқ ва соҳаларнинг жўэксалик юритувчи субъектларини иктисодий хизматлар ҳамда бўлимлари фаолияти бошқарувини ташкил этиши ва таомиллаштириши бўйича қабул қилинган қарорларни тайёрлашда иштирок этиши;
- илмий тадқиқот лойиҳалари, жумладан, моделлар, алгоритмлар, методлар, дастурий ечимлар, инструментал воситаларни тадқиқ қилиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича тармоқлари ва саноат корхоналарини ривожлантиришининг стратегик йўналишиларини тадқиқ этиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича тармоқлари ва индустрисал тармоқ корхоналари фаолиятининг иктисодий кўрсаткичларини тадқиқ қилиши;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича тармоқлари ва индустрисал тармоқ корхоналари фаолиятида ишилаб чиқарши жараёнларини таҳлил қилиши методларини қўллаш;
- ишилаб чиқарши тармоқлари ва индустрисал тармоқ корхоналарига инвестицияларни жсалб этиши лойиҳаларини ишилаб чиқши методларини қўллаш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича тармоқлари ва индустрисал тармоқ корхоналари фаолиятини стратегик ривожлантиришида замонавий иктисодий билиmlарни қўллаш;
- дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологиясидан фойдаланиш.

#### **1.2.3. 5230100 – Иктисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- молиявий-иктисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув;
- ишилаб чиқарши ва хизмат кўрсатиш;
- илмий тадқиқот.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришилар бўлиши мумкин.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараённинг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

#### **1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр ўрнатилган тартибда педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

#### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган турдош бакалавриат таълим йўналишлари негизида магистратура мутахассисликлари бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

### **2. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

#### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

##### **Бакалавр:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечеётган жараён ва ҳодисалар ҳакида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳакидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф мухитга муносабатини белгиловчи хуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, саклаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича ракоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

##### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2.** Таълим йўналиши бўйича бакалавр ўрнатилган тартибда педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

**2.3. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-хуқуқий хужжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар маркетинги тадқиқотларини ўтказиш;
- иқтисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни хисоблаш усулларини қўллаш;
- меҳнат бозорида иқтисодий тадқиқотларни ўтказиш;
- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

**Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- иқтисодиётнинг тармоқлар ва соҳаларига оид маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- мулкчилик шаклидан катъи назар корхоналар фаолиятини халкаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар кўрсаткичилари ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар молиявий ва статистик ҳисботларини тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, ҳисоб-китоб ва таҳлил қилиш бўйича услубий кўрсатмалар, хуқуқий ҳамда меъёрий-хуқуқий хужжатлар;
- режалаштириш ишларини ташкил этиш;
- хўжалик юритувчи субъектини хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истиқболли ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чиқиш;
- бизнес-режани ишлаб чиқариш;
- режа, ҳисоб-китоб хужжатларини юритиши;
- моддий, меҳнат ва молиявий харажатлар нормативини ишлаб чиқариш;
- хўжалик юритувчи субъект ва унинг буйруқлари фаолиятини иқтисодий таҳлил ҳамда ҳисоб-китоб қилиш;
- меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш, рационализаторлик таклифлар ва ихтиrolар бўйича иқтисодий самарадорликни аниқлаш;
- ахборот-коммуникация технологияларини олиб бориш услублари ва воситаларидан фойдаланиш;
- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган хужжатларни тўплаш;
- тезкор ва статистик ҳисботни олиб боришни ташкил этиш;
- ҳисботларни тузиш тартибларини аниқлаш;
- хўжалик юритувчи субъектларни иқтисодий фаолиятини оқилона ташкил этишда

мамлакатимиз ва хорижий тажрибасини ўрганиш;

- ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкил этиш;
- ишлаб чиқаришни технологик асосларини билиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни техника-иктисодий ҳисоб-китоблар ва хўжалик фаолияти таҳлилини олиб боришида ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш меъёр ва қоидаларига амал қилиш.
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинг ва сифатини баҳолаш методлари ва механизmlарини ишлаб чиқиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқиқотлар ечимларини амалиётга татбиқ этиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар ишлаб чиқариш жараёнларида иктисодий ва молиявий фаолиятни бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнгин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилияtlariga эга бўлиши лозим**.

#### **Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишларини режалаштириш ва бажариш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида иктисодий хизмат бўлинмаларини ташкил этиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда янги товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллаш;
- бажарилайтган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш;
- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарни иктисодий ривожлантириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарни бизнес- режасини ишлаб чиқиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар фаолиятини таҳлил қилиш;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини қўллаш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари рақобат стратегияларини ишлаб чиқиш **қобилияtlariga эга бўлиши керак**.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишга қатнашиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарга тегишли мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, маҳсус адабиётлар ва бошка илмий-техник ахборотларни ўрганиш;
- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналардаги муаммолар мавзулари бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидағи фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалийтга жорий этиш *қобилиятларига эга бўлиши керак*.

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида):**

- умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича маҳсус фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўtkазish;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўtkaziliшига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўtkaziш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирив натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим*.

### **3. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига кўйиладиган умумий талаблар**

**5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

- гуманитар ва табиий илмий фанлар;
- умумкасбий фанлар;
- ихтисослик фанлар;
- қўшимча фанлар.

Касб фаолияти кўнимкамларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чукур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий обьект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши лозим.

#### **Умумкасбий фанлар блоки бўйича:**

математик ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаш;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чукур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириш;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;

иктисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиктисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хulosалар чиқариш;

иктисодий таълимотларнинг ривожланишидаги ўрганилаётган қонуниятлар негизида миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш билан боғлиқ мунозарали масалаларни мухокама қилиш;

таваккалчилик ва уни пасайтириш, корхоналарда максимал фойдага эришиш нуқтасини аниқлаш, талаб ва таклиф эластиклигини ҳисоблаш, рақобатлашган бозор шароитида нархни белгилаш, ишлаб чиқариш харажатлари ва фойдани ҳисоблаш ҳамда меҳнат бозори ва ер бозорини таҳлил қилиш;

макроиктисодий сиёсатнинг иқтисодий жараёнлар ва алоҳида қўрсаткичларга таъсир кўрсатиши қонуниятларини аниқлаш;

давлат ҳокимияти ва унинг ваколатларини турли поғоналар ўртасида тақсимлаш тамойиллари ва минтақа молиявий маблағлари ҳамда уларнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш;

статистика амалиётида қўлланиладиган иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиши; меҳнатни ташкил этиши, меҳнат бозорини ривожлантириши ва тартибга солиши ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш;

жаҳон хўжалиги ва ҳалқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишини ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиш;

режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўнкимларига эга бўлиши;

корхонада маркетинг фаолиятини ташкил этиш тизими, маркетинг комплекси, маркетингнинг ички ва ташқи мухити, бозор конъюнктураси ва бозор сигимини таҳлил қилиш кўнкимларига эга бўлиши;

хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;

бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

ишлаб чиқаришни ташкил этиш тизимидағи институтлар фаолияти ва уни ташкиллаштириши;

ишлаб чиқаришни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва ташкил этишга кўйиладиган асосий талабларни билиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши;

корпоратив тизимларини ва улар гуруҳларининг ўзига хос хусусиятлари, устунликларини билишини таъминлаши лозим.

### **Ихтисослик фанлар блоки бўйича:**

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти кўнкимлари ва уқувларини шакллантириши;

тармоқлар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш технологиясини модернизациялаш, саноат хомашёларини тежаш асосида ишлаб чиқаришнинг келажакдаги ривожланишни;

бозор муносабатлари шароитида корхона фаолиятини ташкил этиш ва тутатиш, тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарининг бозордаги ўрни аниқлаш;

корхона асосий воситалари ва айланма маблағлари ҳамда улардан оқилона фойдаланиш;

индустрисал тармоқларда фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари индустрисал тармоқлар маҳсулотининг сифати ва унинг ракобатбардошлигини ошириш;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

### **Кўшимча фанлар блоки бўйича:**

таълим йўналиши талabalарнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш;

тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ракобатбардошликини таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириш;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар, тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиш;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуктаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

### **Танлов фанлари бўйича:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

### **Курс иши мавзулари бўйича :**

Курс иши факультет кенгаши қарори билан белгиланган фанлар доирасида ишчи ўқув режасида кўрсатилади. Курс ишлари белгиланган фанлардан олинган билимларни бойитишга хизмат қилиши керак.

### **Малака амалиёти бўйича:**

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар танишув ва малакавий амалиётда иштрок этиш шаклида бўлиб, талабалар касбий-амалий тайёргарлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалавр тайёрлашнинг таълим дастури – ўқув - танишув, малакавий ва битирув олди амалиётларидан ташкил этилади.

**Ўқув-танишув амалиёти** ўтказилганда-талабалар иқтисодиёт таълим соҳасига мос муассаса ва ташкилотлар билан умумий тарзда танишадилар. Амалиёт натижаси ва ҳисботи баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади. Касбий таълим йўналишларида талабалар умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари билан ҳам танишадилар.

**Малакавий амалиёт** мутахассислик фанларидан ўтказилиб, талабаларни бевосита мустақил ишлашга тайёрлайди. Ўзлаштирган назарий билимларни чуқурлаштиради ва мустаҳкамлайди.

**Битирув малакавий иши олди амалиёти** - битирув малакавий ишини тайёрлаш учун маълумот тўплаш ва тизимлаштиришга мўлжалланган. Бунда битирувчилар ҳозирги замон фанининг долзарб масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва бошқа илмий ташкилотларда, кутубхоналарда ўзлаштирилган назарий билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш орқали битирув малакавий ишини бажариш учун материаллар тўплайди ҳамда соҳа бўйича етакчи олимлар ва мутахассислар билан мулоқотларда илмий маслаҳатлар олади.

**Битирув малакавий ишига қўйиладиган малакавий талаблар** - талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболлари ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иши мавзулари назарий (рефератив) ёки илмий-тадқикот йўналишида бўлиши ҳам мумкин.

Битирув малакавий иши топшириғи, одатда талабаларга учунчи курс тугаганидан кейин берилади. Битирув малакавий иш умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртингчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вакт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

### **3.2. 5230100 – Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгacha қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг меъёрий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўкув жараёни 175 ҳафта давом этиши зарур.

Ўкув даврининг умумий ҳажми қўйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	59,8 %;
аттестация -	8,8 %;
таътил -	14,2 %;
малака амалиёти -	14,7 %;
битириув малакавий иши -	2,5 %.

Ўкув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 11 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қўйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий-илмий фанлар	25,6 %;
умумкасбий фанлар	34,5 %;
ихтисослик фанлар	33,9 %;
қўшимча фанлар	6,0 %.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалавриат дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, иқтисодиёт, тармоқлар ва соҳалар, тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар, индустриал тармоқлари, корхона фаолияти, ишлаб чиқариш технологияси, ишлаб чиқаришни технологик асослари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш харажатлари, фойдани максималлаштириш, модернизация, самарадорлик, рақобатбардошлик.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда  
кадрлар истеъмолчилиари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**




Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор

*B. Xodiyev*

проф. Б. Ю. Ходиев

2018 йил « 11 » 08



Тошкент шаҳар ҳокимияти  
Иқтисодиёт ва комплекс  
ривожлантириш бош бошқармаси

Бошлиқ

*H. Ismoilov*

Н. Н. Исмоилов

2018 йил « 11 » 08

М.ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий  
ва ўрта махсус, қасб-хунар таълимини  
ривожлантириш маркази

Директор

*B. Rahimov*

2018 йил « 11 » 08

М.ў.

Ректор

*N. Xaydarov*

2018 йил « 11 » 08

М.ў.



Тошкент молия институти

“Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва  
муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

Директор

*D. K. Ahmedov*

2018 йил « 11 » 08

М.ў.



Мирзо Улугбек номидаги  
Ўзбекистон Миллий Университети

Ректор




*A. P. Marahimov*

2018 йил « 11 » 08

М.ў.



**Тошкент давлат иқтисодиёт университети 5230100 – “Иқтисодиёт  
(тармоқлар ва соҳалар бўйича)” бакалавриат таълим йўналиши малака  
талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи  
ИШЧИ ГУРУХ ТАРКИБИ**

T/р	Ишчи гурӯҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
1	Б. Ходиев	ТДИУ ректори, и.ф.д., профессор	
Аъзолари:			
2	Ф. Захидов	ТДИУ ўқув ишлар бўйича проректор и.ф.н. (PhD)	
3	Б. Усманов	ТДИУ ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, и.ф.н., доцент	
4	А. Қобилов	ТДИУ “Иқтисодиёт” факультети декани, и.ф.н., доцент	
5	Б. Хажиев	ТДИУ “Иқтисодиёт” факультети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент	
6	И. Хотамов	ТДИУ “Иқтисодиёт” факультети “Саноат иқтисодиёти” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент	
7	М. Асқарова	ТДИУ “Иқтисодиёт” факультети “Макроиктисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.н., доцент	
8	Б. Мамарахимов	ТДИУ “Иқтисодиёт” факультети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доценти, и.ф.н.	
9	Қ. Шарипов	ТДИУ “Иқтисодиёт” факультети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси катта ўқитувчisi	

Ректор Б. Ҳодиев Б. Ходиев

М.ў.

Ўқув ишлари бўйича проректор Захидов Ф. Захидов

Декан А. Қобилов А. Қобилов

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига  
киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий  
фаолиятларига кўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

<p><b>Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)</b></p>	<p><b>Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига кўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</b></p>	<p><b>Битирувчи кўйидаги касбий компетенция ва қобилиягларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар молиясини бошқарни бўйича ўзбекистон Республикаси конунлари хамда меъёрий-хукукий худжжатларни билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналар бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналар маркетинги тадқиқотларини ўтказиш;</li> <li>- иктисолидёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни хисоблаш усулларини кўлаш;</li> <li>- меҳнат бозорида иктисолидёт тадқиқотларни ўтказиш;</li> <li>- иктисолидёт субъектларининг молиявий баркарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўулларини ишлаб чиқиш;</li> <li>- иктисолидётнинг тармоклар ва соҳаларига оид маълумотларни йиниш, кайта ишлаш, таҳлил килиш усулларини билиш;</li> <li>- иктисолидёт маълумотларни таҳлил килиш ва умумлаштириш;</li> <li>- муликелик шаклидан қатъи назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, мебўрлари ва талаблари асосида таҳлил килиш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналар кўрсаткичлари ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил килиш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналар молиявий ва статистик хисоботларини тузиш хамда уларни шарҳлаш;</li> <li>- таҳлилий масалаларни хал килишда замонавий ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш;</li> <li>- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини режалаштириш, хисоб-китоб ва таҳлил килиш бўйича услубий кўрсатмалар, хукукий хамда меъёрий-хукукий хужжатлар;</li> <li>- режалаштириш ишларини ташкил этиш;</li> <li>- хўжалик юритувчи субъектини хўжалик-молиявий ва ишлаб чиқариш фаолияти бўйича истикబолли</li> </ul>

	<p>ва жорий режаларни (дастурларини) ишлаб чикиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- бизнес-режани ишлаб чикиш;</li> <li>- режа, хисоб-китоб хужжатларини юритиш;</li> <li>- моддий, меңнат ва молиявий харражатлар нормативини ишлаб чикиш;</li> <li>- хўжалик юритувчи субъект ва унинг бўйруқлари фаолиятини иктисодий таҳлил ҳамда хисоб-китоб килиш;</li> </ul> <p>- меңнат ва ишлаб чикишини ташкил этиш, янги техника ва технологияларни жорий этиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- рационализаторлик таклифлар ва ихтиrolар бўйича иктисодий самарадорликни аниқлаш;</li> <li>- ахборот-коммуникация технологияларини олиб бориши услублари ва воситаларидан фойдаланиш;</li> <li>- шартномаларни тузиш учун зарур бўлган хужжатларни тўплаш;</li> <li>- тезкор ва статистик хисоботни олиб боришини ташкил этиш;</li> <li>- хисоботларни тузиш тартибларини аниқлаш;</li> <li>- хўжалик юритувчи субъектларни иктисодий фаолиятини оқилона ташкил этишда мамлакатимиз ва хорижий тажрибасини урганиш;</li> </ul> <p>- ишлаб чикиши, меңнат ва бошқарувни ташкил этиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ишлаб чикишини технологик асосларини билиш;</li> <li>- хўжалик юритувчи субъектларни техника-иктисодий хисоб-китоблар ва хўжалик фаолияти таҳтилни олиб бориша ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш;</li> <li>- меңнатни муҳофazа килиш мебўр ва коидаларига амал килиш.</li> </ul> <p>- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чикиш ва табиқ килиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чикиши жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чикиши жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан бөглиқ бўлган ишлаб чикиши жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чикиш;</li> <li>- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чикиши самараదорлигини таъминлаш бўйича илмий тадқикотлар ечимларини амалиётга татбик этиш;</li> <li>- тармоқлар ва соҳалар бўйича корхоналар ишни ташкил килиш ва уни бошқариш;</li> <li>- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тушиб ва уни бажариш, назорат килиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;</li> <li>- ишлаб чикиши жараёнларининг атроф-муҳит муҳофazasi, ёнгин, техника ва меҳнагт хавфсизлиги таълабларига мослигини мониторинг килиш</li> </ul>
--	---


	<ul style="list-style-type: none"> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишларини режалаштириш ва бажариш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарда иктиносидий хизмат бўлинмаларини ташкил этиш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатилинг намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиши ва кўллаш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан режалаштириш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналарда ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш тамоилиларини кўллаш;</li> <li>- бажарилаётган назарий ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфомрацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тагбик этиш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналарни иктиносидий ривожлантириш бўйича тадқикотлар ўтказиш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналарни бизнес-режасини ишлаб чиқиш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича корхоналар фаолиятини тахдил килиш;</li> <li>- амалиётда ахборот технологияларининг халкаро ва касбий стандартларини кўллаш;</li> <li>- тармоклар ва соҳалар бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ракобат стратегияларини ишлаб чиқиш муъмкин.</li> </ul>
2.	<p><b>5A230101 Иктиносидий назария</b></p> <p><b>Бундан ташкиари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- илмий тадқикот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналиши бўйича бакалаврлар кандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутхассислиги бўйича магистр янада юкори дарражада бажариши керак.</li> </ul>

	<p>Кетнениши;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– маълумотларни жамлайди, қайта тайёрлайди, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимили тахдил килиш;</li> <li>– тадқикот натижалари ва ишланмаларини тагбик этиш;</li> <li>– илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётига жорий этиш;</li> <li>– умумий ўрга, ўрта махсус қасб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича иктисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий хамда амалий машгуллогларни ўтказиш;</li> <li>– ўкув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқикотларда иштирок этиш, маълумотларни тўлпаш, умузлашириш ва тахдил этиш;</li> <li>– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўкув-методик хужжатларни шакллантириш, тушиб ва уларни тагбик этиш;</li> <li>– мустакил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан хамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, восятталар ва шакллар жабобаларида ўз-ўзини мунгазам такомиллаштириб борини кобилиятларига эга бўлиши лозим.</li> </ul>
--	---

Тошкент шаҳар ҳокимияти Иктисолёг ва комплекс ривожлантириш бош бошкармаси

ГДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иктисолётини ривожлантиришининг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқикот маркази директори

Н. Исмоилов



Д. Ахмедов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўкув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишлаб чиқилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг Малака талаблари, ўкув режа, фан дастурлари ва ўкув адабиётлари лойиҳаларини турдош Олий таълим муассасалари билан

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“11” 08 2018 й.

Раис: Б.Ю.Ходиев – Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.

Котиб: Б.Б.Усманов – ТДИУ Ўкув-услубий бошкарма бошлиги

Қатнашдилар: Ф.Э.Захидов – ТДИУ Ўкув ишлар бўйича проректор, С.Умарова – ТДШИ Ўкув бўлими бошлиғи, Ш.Аллаёров – ТМИ “Касб таълими” кафедраси мудири, Э.Эргашев – ТМИ “Бизнес ва тадбиркорлик” кафедраси мудири, Б.Хажиев – “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири, М.Аскарова – “Макроиктисодиёт” кафедраси мудири, И.Хотамов – “Саноат иқтисодиёти” кафедраси мудири, Р.Холбеков – “Бухгалтерия хисоби” кафедраси мудири, З.Муқумов – “Иқтисодий таҳлил ва аудит” кафедраси мудири, Ф.Насриддинов – “Банк иши” кафедраси мудири, Д.Бегматова – “Корпоратив бошкарув” кафедраси мудири, Ш.Эргашходжаева – “Маркетинг” кафедраси мудири, А.Кучаров – “Инфратузилмани ривожлантириш ва логистика” кафедраси мудири, И.Жуковская – “Иқтисодиётда ахборот тизимлари” кафедраси мудири, А.Ишназаров – “Эконометрика” кафедраси в.в.б. мудири, А.Аюбжонов – “Статистика” кафедраси мудири, Н.Йўлдошев – “Менежмент” кафедраси мудири, М.Амонбоев – “Туризм ва сервис” кафедраси мудири.

## КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишган қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги “Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўкув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 504-сонли буйруқларида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура

мутахассисликларининг Малака талаблари ва ўкув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиши.

### ЭШИТИЛДИ:

**Проф. Б.Ю. Ходиев** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори.

Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш максадида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам улкан ислоҳотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари(мутахассисликлари)нинг янгилangan Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда, таълим йўналишлари (мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуқтаи назаридан унификацияланмоқда. Шундан келиб чиқиб Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, Қорақалпоқ давлат университети, Тошкент темир йўл муҳандислик институти, Тошкент давлат аграр университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида маҳсус ишчи гурӯх аъзолари томонидан таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари ишлаб чиқилди. Уларга турдош олий таълим муассасаларидан, вазирлик ва идоралар кадрлар исътемолчилари сифатида тақризлар олинди.

Сизлардан ушбу тайёрланган бакалавриат таълим йўналиши ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режаларини муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

### СҮЗГА ЧИҚДИЛАР:

**Ф.Э. Захидов** – Ўкув ишлари бўйича проректор.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалийтдаги академик стандартлар билан уйғунлаштириш ҳамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари меъёр талабларига жавоб беради, шунингдек малака талаблари ва ўкув режаларининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равиша иқтисодиётда олиб борилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўниммаларни тайёрланадиган кадрларга етказишига мўлжалланган. Шунинг учун ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўкув режаларни маъкуллайман ва тасдиқлаш учун тавсия этаман.

